

НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИНИ МОЛИЯВИЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Отабек Нишонович ХУСАНОВ

Мустақил изланувчи

Иқтисод фанлари бўйича (PhD) фалсафа доктори

Банк Молия Академияси

Тошкент, Ўзбекистон

otabekdfhu@mail.uz

Аннотация

Ушбу мақолада нодавлат нотижорат ташкилотларининг молиявий манбалари ва уларни қўллаб-қувватлаш йўналишлари таҳлил қилинган ва таклифлар берилган.

Таянч сўзлар: нодавлат нотижорат ташкилотлар, молия, пул маблағлари, давлат субсидияси, давлат гранти, давлат ижтимоий буюртмаси, ижтимоий шериклик.

НАПРАВЛЕНИЯ ФИНАНСОВОЙ ПОДДЕРЖКИ НЕГОСУДАРСТВЕННЫХ НЕКОММЕРЧЕСКИХ ОРГАНИЗАЦИЙ

Отабек Нишонович ХУСАНОВ

независимый исследователь

Доктор философии (PhD) по экономическим наукам

Банковско-финансовая Академия

Ташкент, Узбекистан

otabekdfhu@mail.uz

Аннотация

В этой статье анализируются финансовые источники неосударственных некоммерческих организаций и направления их поддержки, выдвинуты предложения.

Ключевые слова: негосударственные некоммерческие организации, финансы, денежные средства, государственная субсидия, государственный грант, государственный социальный заказ, социальное партнерство.

Республикамида “Жамият – ислоҳотлар ташаббускори” улуғвор гоясининг ҳаётда акс этишида фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаол иштирокини таъминлаш, фуқароларнинг жамият ва давлат бошқарувидаги иштирокини кенгайтириш, “Халқ дипломатияси” институти орқали халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, жумладан, мамлакатимизнинг нуфузли халқаро рейтингларда эгаллаган ўрнини яхшилашда нодавлат секторнинг салоҳиятидан унумли фойдаланиш, уларнинг

халқаро муносабатларда фаол бўлишини қўллаб-куватлаш бўйича кенг қамровли тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Республикамизда сони ва роли ошиб бораётган нодавлат нотижорат ташкилоти (ННТ) қандай ташкилот?

Нодавлат нотижорат ташкилотлари бирикмасидан кўриниб турибдики, бундай ташкилотлар давлат тасарруфида бўлмаган тижорат билан шуғулланмайдиган ташкилотлар ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги қонунининг 2-моддасида “Нодавлат нотижорат ташкилоти – жисмоний ва (ёки) юридик шахслар томонидан ихтиёрийлик асосида ташкил этилган, даромад (фойда) олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олмаган ҳамда олинган даромадларни (фойдани) ўз қатнашчилари (аъзолари) ўртасида тақсимламайдиган ўзини ўзи бошқариш ташкилотидир” [2] деб таъриф берилган.

Нодавлат нотижорат ташкилоти жисмоний ва юридик шахсларнинг хуқуqlари ва қонуний манфаатларини, бошқа демократик қадриятларни ҳимоя қилиш, ижтимоий, маданий ва маърифий мақсадларга эришиш, маънавий ва бошқа номоддий эҳтиёжларни қондириш, хайрия фаолиятини амалга ошириш учун ҳамда бошқа ижтимоий фойдали мақсадларда тузилади.

Бугунги кунда Республикаизда ННТлар қўйидаги шаклларда ташкил этилмоқда.



Жамоат бирлашмаси – маънавий ёки бошқа номоддий эҳтиёжларни қондириш учун ўз манфаатларининг муштараклиги асосида қонунда белгиланган тартибда бирлашган фуқароларнинг ихтиёрий бирлашмасидир.

Жамоат бирлашмаси қатнашчилари мазкур бирлашмага мулк қилиб берган мол-мулкларига, шу жумладан, аъзолик бадалларига бўлган хуқуқларини сақлаб қолмайдилар. Улар аъзо сифатида қатнашаётган жамоат бирлашмасининг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайдилар, мазкур бирлашма эса ўз аъзоларининг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.

Жамоат фонди – жисмоний ва (ёки) юридик шахслар томонидан ихтиёрий мулкий бадаллар қўшиш асосида ташкил этилган, хайрия, ижтимоий, маданий, маърифий ёки бошқа ижтимоий фойдали мақсадларни кўзлайдиган, аъзолиги бўлмаган нодавлат нотижорат ташкилотидир. Жамоат фондига унинг муассислари (муассиси) ёки васият қилувчи томонидан ўтказилган мол-мулк фонднинг мулкидир. Фонд муассислари (муассиси) ёки фонд васиятнома бўйича ташкил этилганида васиятномани ижро этувчи фонднинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди, фонд эса муассисларнинг (муассиснинг) ёки васиятномани ижро этувчининг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди. Жамоат фондининг мол-мулкидан фонд уставида белгиланган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш ҳамда маъмурий харажатларни қоплаш учун фойдаланилади.

Муассаса – бу ижтимоий маданий ва бошқа нотижорат тусдаги вазифаларни амалга ошириш учун жисмоний ва ёки юридик шахслар томонидан тузилган нодавлат нотижорат ташкилотидир.

ННТлар фаолияти асосан жамиятнинг кам таъминланган аъзолари қариялар ва меҳнатга лаёқатсиз шахслар манфаатлари ва хуқуқларини ҳимоялаш, ёшлар таълим-тарбияси, иш билан бандлиги, касбий маҳорати сиёсий онги, маънавий-маърифий ва маданий даражаларини ошириш, улар фаоллигини кучайтириш, миллий қадриятларни тиклаш, атроф-муҳитни ва тарихий обидаларни асраш ва бошқа соҳалардаги давлатнинг мақсадли ижтимоий-иктисодий дастурларини ҳаётга изчил татбиқ этишда қўмаклашишга қаратилган.

Алоҳида эътироф этиш лозимки, янги таҳрирда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳам нодавлат нотижорат ташкилотлари институтининг ҳуқуқий мақоми конституция даражасида белгиланди. Конституциянинг XIII боби “Фуқаролик жамияти институтлари” деб номланиб, нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини ташкил этиш ва амалга оширишга оид давлатнинг мажбуриятлари белгиланди [1].

2023 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, адлия органларида рўйхатдан ўтган нодавлат нотижорат ташкилотлар ва уларнинг алоҳида бўлинмалари сони 8 922 тани (2021 йил 1 январь ҳолатига кўра 9 140 та, 2020 йил 1 январь ҳолатига 10 502 та, 2019 йил 1 январь ҳолатига кўра 9 860 та) ташкил қилиб, шундан 600 таси Адлия вазирлиги ҳамда 8 560 таси ҳудудий адлия органлари томонидан рўйхатдан ўтказилган [7].

ННТларнинг иқтисодий бирликлар сифатида хусусиятлари улар фаолиятини молиялаштиришда, яъни, маблағларини (ресурсларини) шаклланишида ёрқин намоён бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги қонунига мувофиқ ННТларнинг маблағлари (ресурслари) қуидагилардан иборат бўлади: бинолар, иншоотлар, тураржойлар, ускуналар, инвентарь, пул маблағлари, шу жумладан, чет эл валютасидаги пул маблағлари, кимматли қофозлар ва бошқа мол-мулклар.

Кириши ва аъзолик бадаллари – ННТлар қатнашчилари томонидан тўланадиган кириш ва аъзолик бадаллари тушунилади. Кириш ва аъзолик бадалларининг микдорлари ҳар бир ННТнинг устав ҳужжатлари билан белгиланади.

Давлат субсидияси – социал ва ижтимоий аҳамиятга молик фаолиятни амалга ошираётган нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармалари

маблағлари хисобидан бериладиган ҳамда аниқ лойиҳалар билан боғлиқ бўлмаган молиявий ёки бошқа моддий кўмақдир.

Давлат гранти – ижтимоий фойдали мақсадларга эришишга қаратилган лойиҳаларни амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари, шунингдек, жамоат фондларининг маблағлари хисобидан нодавлат нотижорат ташкилотларига ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларига уларнинг буюртмалари бўйича танлов асосида бериладиган пул маблағлари ва моддий ресурслардир.

Давлат ижтимоий буюртмаси – давлат органи ва нодавлат нотижорат ташкилоти ёки фуқаролик жамиятининг бошқа институти ўртасида шартнома тузиш йўли билан социал ва ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш учун ишлар бажариш ёки тадбирлар ўтказишга доир давлат топшириғидан иборат бўлади.

Чет эл валютасида олинган грант суммаси хўжалик муаммолари амалга оширилган қундаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича миллий валютага ўтказилади.

Эҳсон – бу ННТларга умумфойдали мақсадларга жисмоний ва юридик шахслар томонидан беғараз берилган пул ва бошқа турдаги маблағлар.

Гуманитар ёрдам – мақсадли беғараз тухфа бўлиб, аҳолининг маълум ижтимоий гуруҳларига, ижтимоий соҳа муассасаларига тиббий хизмат кўрсатиш, талафотларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш ҳамда бошқа ижтимоий мақсадларда турли дори-дармон воситалари, ҳимоя воситалари, жиҳозлар, озиқ-овқат ва бошқа маблағлар кўринишидаги қайтариб берилиши сўралмайдиган ёрдам. Бундай ёрдамлар турли давлатлар, халқаро ташкилотлар томонидан кўрсталиши мумкин.

Хадя – бу фуқаролик-хуқуқий шартнома асосида келиб тушадиган маблағлар.

ННТларнинг мол-мулки уларни шакллантириш манбаларига кўра қўйидагилардан иборат бўлади.

Нодавлат нотижорат ташкилотининг мол-мулкини шакллантириш манбалари

Кириш ва аъзолик бадаллари

Муассислардан, қатнашчилардан (аъзолардан) келадиган тушумлар

Ихтиёрий мулкий бадаллар ва эҳсонлар

Тадбиркорлик фаолиятидан олинган даромадлар (устав доирасида)

Давлат субсидияси, гранти ва ижтимоий буюртмаси

Қонун хужжатларида тақиқланмаган бошқа тушумлар

ННТнинг мулки қонун билан муҳофаза қилинади. ННТ ўз мажбуриятлари юзасидан қонунларга мувофиқ ундириш қаратилиши мумкин бўлган мол-мулки билан жавоб беради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди фаолиятини жойлардаги долзарб муаммоларини ҳал этишга қаратилди.

“Мурожаатнома”да таъкидланганидек: “Айниқса, мавжуд муаммоларни аниқлаш, уларни чукур таҳлил қилиш, ечимлари бўйича таклиф ишлаб чиқиш, ижроси устидан жамоатчилик назоратини таъминлашга ижтимоий буюртма асосида нодавлат нотижорат ташкилотлари кенг жалб этилади. Бундай ҳамкорликни, энг аввало, таълим, маданият, тиббиёт, экология, қурилиш, кадастр, транспорт, коммунал хўжалиги, бандлик, ижтимоий хизматлар кўрсатиш каби муаммоли соҳаларда кенг жорий этиш мақсадга мувофиқ бўлади” [6].

Бу ишларни ташкил этиш учун 2017-2023 йилларда нодавлат нотижорат

ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг 2074 лойиҳасини қўллаб-қувватлаш мақсадида Давлат бюджетидан 513,8 миллиард сўм маблағлар ажратилди. 5 йил давомида умуман 513,8 миллиард сўм ажратилган бўлса, фақатгина 2023 йилнинг ўзида бу 226,4 миллиард сўмни ташкил этди.

2020-2023 йилларда Давлат гранти доирасида 882 та лойиҳалар 50,1 миллиард сўмга молиялаштирилди. Натижада, 17 886 та давра сухбатлари ва тадбирлар ташкил этилган ва уларда 2 459 973 нафар фуқаро қамраб олинган ҳамда 1 810 нафар кўнгилли жалб этилган. 13 322 нафар фуқарога ижтимоий, хуқуқий, тиббий, психологик ёрдам кўрсатилган, 77 899 нафар фуқаронинг билим, кўнижмалари оширилган ва касбга ўқитилган, 6 414 нафар фуқарони бандлиги таъминланган ҳамда 546 та фуқарога кредит ажратилишига ёрдам кўрсатилган.

Шу билан бирга, 19 977 нафар фуқаро санъат ва китобхонликка жалб этилган. 180 нафар ногиронлиги бўлган шахслар спортнинг паролипмпия турига ва 13 778 нафар фуқаро соғлом турмуш тарзига жалб этилган. 27 та спорт майдончаси қурилган ва 19 та маҳаллани ободонлаштиришга кўмаклашилган. 15 та кутубхона, ва 8 та ўқув курслари ва тўгараклар ташкил қилинган. 500 та брайль ёзувли китоблар чоп этилган. 120 та аудио китоблар жамланмаси шакллантирилган. 7 902 нафар фуқаро ичимлик суви билан таъминланган. 100 048 та тарқатма материаллар ишлаб чиқилган.

2020-2023 йиллар давомида 24 та давлат органининг 94 та ижтимоий буюртмаларига очиқ танловлар эълон қилинди.

Давлат ижтимоий буюртмаси танловларига таълим, тиббиёт, қурилиш ҳамда уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш, туризм ва спорт, миллатлараро муносабатлар, коррупцияга қарши курашиш, маданият, ОАВ ва матбуот ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш соҳасида ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларидан 216 та лойиҳалар келиб тушди. Танловлар якунига кўра 51,5 миллиард сўмга 65 та лойиҳалар молиялаштирилди.

Натижада 360 нафардан ортиқ бошланғич синф ёшидаги ногирон болаларга инклузив таълим бериш тизими, 25 та олий ўқув юртларидағи ногирон талаба ёшларни тұлақонли таълим олиши учун “Түсиқсиз мұхит” шакллантирилди. 15 та касб бўйича 15 500 нафар ёшлар “Дуал таълим дастури” ва халқаро “WorldSkills” стандарты асосида янги форматда касбга ўргатилди. 26 та маҳаллада “Саломатлик мактаби” ва Варкаут майдончалари ташкил этилди.

Шунингдек, тиббиёт муассасалари 20 та тиббиёт асбоблари ва даволаш ускуналари билан таъминланди. 23 112 дан ортиқ ахоли марказлашган тоза ичимлик суви билан таъминланди. Олий таълим муассасалари талабаларининг 10 та стартап лойиха ташаббуслари қўллаб-қувватланди ҳамда 100 та янги иш ўринлари яратилди.

Шу билан бирга, 50 дан ортиқ миллий-маданий марказларнинг қошида иқтидорли ёшлардан иборат 50 та “Ёшлар қаноти” ансамбллари ташкил этилди. 100 дан ортиқ аудио, видео ҳамда матнли маълумотлар базасини ўзида жамлаган “Ўзбекистоннинг номоддий маданий мероси” маълумотлар базаси яратилади. Коррупцияга қарши курашиш соҳасида 160 нафар журналистлар ва блогерларнинг билим ҳамда кўникмалари оширилди.

Зўравонликдан жабрланган, оғир ижтимоий ахволда қолган, ўз жонига қасд қилиш ҳолати юқори бўлган ҳудудларда 11 000 дан ортиқ шахсларга психологик ёрдамлар кўрсатилди. Тошкент шаҳрининг 11 та МФЙда “Маҳалла фуқаролари мухофазаси” марказлари ташкил этилди. 900 нафар хотин-қизларнинг касбий кўникмаси оширилди ва бандлиги таъминланди. 3859 нафар шахсларнинг хунармандчилик маҳсулотларини сотиши учун шарт-шароит яратилди. 30 та болалар боғчасида замонавий кутубхона ташкил этилди, 50 минг нусхада турли форматдаги расмли, дидактика қўлланмалар ва ўқув қуроллари билан таъминланди. 300 дан ортиқ ёшлар инновацион ғоялар танловига жалб этилди ва 15 та стартап ғоялари қўллаб-қувватланди.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа

институтларини молиявий қўллаб-қувватлаш фаолияти жойлардаги долзарб муаммоларни ҳал этишга қаратиб борилаётган бўлсада, ушбу соҳада ўз ечимини кутаётган масалалар ҳам мавжуд.

Фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимиға замонавий ИТ-технология ҳамда дастурларини жорий этиш бўйича жамоат фондига малакали мутахассислар жалб этиш лозим.

Бу эса лойиха ва дастурларни қабул қилиш, кўриб чиқиш ва натижаларини эълон қилиш, молиялаштириш ва мониторингини олиб боришининг реал вақт режимида масофадан туриб амалга оширишга имкон беради.

Аксарият ҳолларда ННТларнинг лойиха ва дастурлари мақсадли кўрсаткичлари, вазифаси ва муддатлари календарь режада аниқ белгиланиши сабабли, айrim харидлар тезкор амалга оширилиши зарур бўлган ҳолларда “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонун талаблари доирасида тегишли товарлар (ишлар, хизматлар)нинг харидини амалга ошириш имконияти йўқ. ННТларда “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонун билан ишлаш бўйича малакали мутахассис, ҳисобчилар мавжуд эмаслиги ва уларнинг малакаларини ошириш учун алоҳида ўқув курслари соҳадаги ваколатли органлар томонидан ташкил этилмаганлиги боис ННТларнинг дастур ва лойиҳаларини амалга ошириши натижалари мониторинг қилингандан, бу борадаги амалиётда хато ва камчиликларга йўл қўйиш ҳолатлари кузатилмоқда.

“Давлат харидлари тўғрисида”ги қонун асосида ННТлар ва фуқаролик жамияти институтларига ажратиладиган давлат субсидияси, гранти ва ижтимоий буюртмаси маблағларини ушбу қонуннинг амал қилиши соҳаларидан чиқарилиши, дастур ва лойиҳаларни амалга оширишда ушбу маблағларни бошқариш бўйича Парламент комиссияси томонидан харидлар тартиби ва меъёрлари соддалаштирилиши ҳамда дастур ёки лойиха доирасида товарлар (ишлар, хизматлар) харидини банк корпоратив картаси ёрдамида амалга ошириш имконини яратадиган алоҳида тартибининг тасдиқланиши таклиф этилади.

Хулоса ўрнида айтганда, ННТларни молиявий қўллаб-қувватлаш вазифаси ижтимоий соҳани ривожлантиришга, ижтимоий муаммоларни ҳал этишда давлат органлари билан ҳамкорликни кучайтиришга, фуқароларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга, аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга, фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришга хизмат қилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

- 1.Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Расмий нашр. – Тошкент: Ўзбекистон, 2023. – 80 б.
- 2.Ўзбекистон Республикасининг “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги Қонуни. (*Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 11.09.2019 й., 03/19/566/3734-сон*)
- 3.Ўзбекистон Республикасининг “Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни. (*Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон*)
- 4.Ўзбекистон Республикасининг “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги Қонуни. (*Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.01.2018 й., 03/18/456/0512-сон; 22.07.2020 й., 03/20/629/1087-сон*)
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. <https://president.uz/uz/lists/view/4057>.
- 6.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 4 мартағи ПФ-6181-сон Фармони. <https://lex.uz/uz/docs/-5319756>
- 7.Холманова Д.Р. Ўзбекистон Республикасида нодавлат нотижорат ташкилотларнинг жамоат бирлашмалари тизимидағи ўрни: юрид. фан. ном.... дис. – Тошкент: ТДЮУ, 2012.
- 8.<http://diss.natlib.uz/ru-RU/ResearchWork/OnlineView/37583>.